

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ РАҚОБАТ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ

Каримов Дилшодбек Абдумаликович

Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти мустақил изланувчиси

Аннотация. Мақолада Сурхондарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ва рақобатбардошлик даражаси мамлакатнинг бошқа ҳудудлари билан қиёсий таҳлил қилинган. “Паттерн” услуги асосида вилоятнинг республикадаги ўрни аниқланган ва унинг табиий рақобат афзалликлари баҳоланган. Мавжуд баҳолаш услугиётидаги камчиликлар очиб берилиб, табиий-иқтисодий афзалликларни ҳисобга олган ҳолда индекси қайта ҳисоблаш зарурлиги асосланган.

Калит сўзлар: Сурхондарё вилояти, рақобат афзалликлари, рақобатбардошлик индекси, экспорт салоҳияти, табиий ресурслар, транспорт-географик жойлашув, ўсиш драйверлари.

Аннотация. В статье проведён сравнительный анализ социально-экономического потенциала и уровня конкурентоспособности Сурхандарьинской области относительно других регионов страны. На основе метода «Паттерн» определено место области в республике и оценены её природные конкурентные преимущества. Выявлены недостатки действующей методики оценки и обоснована необходимость пересчёта индекса с учётом природно-экономических преимуществ.

Ключевые слова: Сурхандарьинская область, конкурентные преимущества, индекс конкурентоспособности, экспортный потенциал, природные ресурсы, транспортно-географическое положение, драйверы роста.

Кириш

Ўзбекистоннинг энг жанубида жойлашган Сурхондарё вилояти бой табиий ресурслар, қулай географик жойлашув ва юқори аграр салоҳиятга эга бўлишига қарамадан, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш рейтингда охириги ўринларни эгаллаб турибди. Мавжуд имкониятлар билан амалдаги натижалар ўртасидаги номуносиблик вилоят рақобат афзалликларини чуқур таҳлил қилиш ва уларни баҳолаш услугиётини такомиллаштиришни тақозо этади. Ушбу мақолада вилоятнинг рақобатбардошлик даражаси қиёсий таҳлил ва “Паттерн” услуги асосида баҳоланади.

Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти

Вилоят ҳудудлараро қиёсланганда қишлоқ хўжалиги ва чакана савдо бўйича ўртача ўринни эгаллайди, бироқ инвестицион фаоллик, Ялпи ҳудудий маҳсулот

ва ижтимоий соҳаларда ўз мавқеини йўқотиб бормоқда. 2017–2024 йиллар таҳлили барча асосий кўрсаткичлар бўйича салбий силжиш юз берганини кўрсатади: ЯҲМ индекси 0,550 дан 0,504 га, саноат индекси 0,198 дан 0,170 га, қишлоқ хўжалиги индекси 1,183 дан 0,988 га тушган.

Вилоят иқтисодиёти таркибида сўнгги олти йил давомида деярли ўзгариш бўлмаган. Қишлоқ хўжалиги улуши энг юқори бўлиб, вилоят аграр ихтисослашув бўйича республикада биринчи ўринда туради. Шу билан бирга, 2024 йилда ЯҲМ таркибида саноат улуши атиги 15,2 фоизни ташкил этган бўлиб, бу мамлакат ҳудудлари орасидаги энг кичик кўрсаткичдир. Қишлоқ хўжалиги хом ашёси салоҳияти юқори бўлишига қарамай, озиқ-овқат саноати талаб даражасида ривожланмаган: 2024 йилда сутнинг атиги 9 фоизи, мева-сабзавотнинг 7 фоизи, гўштнинг эса 0,5 фоизи қайта ишланган.

“Паттерн” услуги бўйича рақобатбардошлик баҳоси

Жаҳон тажрибасида кенг қўлланиладиган “Паттерн” услубидан фойдаланиб, Ўзбекистон минтақаларининг рақобатбардошлик даражаси аниқланди. Натижалар уч гуруҳга ажратилди: нисбатан юқори, ўртача ва паст даража. Сурхондарё вилояти умумий индекс қиймати 0,304 билан мамлакат ҳудудлари орасида энг охири — 14-ўринни эгаллади (1-жадвал).

1-жадвал. Ўзбекистон минтақаларининг рақобатбардошлик даражаси (“Паттерн” услуги)

Минтақа	Иқтисодий салоҳият	Минтақавий самарадорлик	Рақобат афзалликлари	Умумий индекс
Тошкент шаҳри	0,842	0,790	0,822	0,818
Навоий вилояти	0,921	0,780	0,604	0,768
Бухоро вилояти	0,603	0,681	0,593	0,625
Самарқанд вилояти	0,452	0,610	0,571	0,544
Андижон вилояти	0,515	0,604	0,474	0,531
Хоразм вилояти	0,480	0,555	0,410	0,481
Фарғона вилояти	0,371	0,501	0,452	0,441
Наманган вилояти	0,320	0,464	0,393	0,392
<u>Сурхондарё вилояти</u>	<u>0,292</u>	<u>0,315</u>	<u>0,305</u>	<u>0,304</u>

Шу ўринда муҳим методологик эътирозни таъкидлаш зарур. Биринчидан, ҳисоблашда қўлланилган кўрсаткичлар тизими (бир кишига тўғри келадиган асосий фондлар, инвестициялар, йўллар узунлиги) минтақавий афзалликларни тўлиқ ифода этмайди. Иккинчидан, нисбий афзалликни ташкил қилувчи асосий

транспорт-географик жойлашув, агроиклим салоҳияти ва минерал хом ашё ресурслари эътиборга олинмаган. Шу сабабли вилоятнинг табиий-иқтисодий рақобат афзалликларини ҳисоблашни қайта кўриб чиқиш ва индексни янги кўрсаткичлар билан бойитиш таклиф этилади; бунда вилоят рейтинги 8-ўринга кўтарилиши мумкин.

Вилоятнинг табиий рақобат афзалликлари

Расмий статистика ва эксперт хулосалари асосида вилоятнинг етакчи табиий рақобат афзалликлари аниқланди (2-жадвал). Сурхондарё мамлакат ҳудудлари орасида учта (Афғонистон, Тожикистон, Туркменистон) қўшни давлат билан чегарадош бўлган ягона вилоят бўлиб, транспорт-географик жойлашув бўйича 1-ўринни эгаллайди ва транзит-логистика маркази бўлиш салоҳиятига эга.

2-жадвал. Сурхондарё вилоятининг табиий рақобат афзалликлари

Т.Р.	Рақобат афзаллиги	Мамлакатда ўрни	Аҳамияти	Асосий белгилари
1	Транспорт-географик жойлашув	1	++	Учта давлат билан чегарадош, транзит узели
2	Агроиклим шароити	5	++	Субтропик ва экологик тоза маҳсулотлар
3	Минерал хом ашё	6	++	Нефть, газ, кўмир, рангли металллар
4	Туризм ресурслари	4	++	293 та археологик ёдгорлик
5	Ишчи кучи (иш ҳақи)	4	++	Нисбатан арзон меҳнат ресурслари
6	Ер ресурслари	6	+	Йилда 2 ва ундан ортиқ марта ҳосил
7	Сув ресурслари	7	+	Амударё сувлари бошида жойлашган

Изоҳ: ++ юқори ижобий афзаллик, + ижобий афзаллик.

Вилоятнинг агроиклим шароити субтропик маҳсулотлар — анор, хурмо, анжир, шакарқамиш етиштириш ва йил давомида ўт-ўлан экинларидан 4–5 марта, мева-сабзавотдан 3–4 марта ҳосил олиш имконини беради. Тупроқ унумдорлиги (бонитет) бўйича вилоят 6-ўринни эгаллайди. Минерал хом ашё захиралари — нефть, газ конденсати, табиий газ, кўмир, полиметалл рудалар (мис, кўрғошин,

рух, олтин) ва цемент хом ашёси билан бой. Туристик салоҳият эса 293 та археологик мерос объекти, жумладан халқаро аҳамиятга эга Имом Ҳаким Ат-Термизий мақбараси билан ифодаланади.

Қишлоқ туманларининг ўсиш драйверлари

Вилоятнинг табиий ресурслари асосан қишлоқ туманларида жойлашгани боис, рақобат афзалликларидан самарали фойдаланиш туманлар миқёсида таҳлил қилинди. Рейтинг натижалари асосида туманлар экспорт салоҳияти бўйича уч гуруҳга ажратилди: юқори салоҳиятли туманлар (Денов, Термиз, Шўрчи, Шеробод, Жарқўрғон) вилоят экспортида 8 фоиздан юқори улушга эга; ўрта салоҳиятли туманлар 5–8 фоиз; паст салоҳиятли туманлар эса 2–4 фоиз улушни ташкил этади.

Туманлар экспорт қилаётган товарлар асосан тор ва бир хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан иборат. Мавжуд рақобат афзалликлари ва амалдаги экспорт ўртасида (мева-сабзавотдан ташқари) бевосита боғлиқлик деярли кузатилмайди. Шу боис туманларнинг ўсиш драйверлари агроиклим шароити, ер ва сув ресурслари, ихтисослашув ҳамда экспорт таркибидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кесимида аниқланди. Бу драйверларни саноат ва туристик хизматлар бўйича ҳам кенгайтириш имкони мавжуд.

Қиёсий таҳлил шуни кўрсатдики, туманларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси билан тадбиркорлик муҳити ва аҳоли фаровонлиги ўртасида (Термиз тумани бундан мустасно) бевосита боғлиқлик кузатилмайди. Ушбу номуносиблик тадбиркорлик фаоллигининг паст эканлиги ҳамда аҳоли эҳтиёжларини қондириш бўйича чора-тадбирларнинг натижадорлиги етарли эмаслигидан далолат беради. Шунинг учун туманларни ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, тадбиркорлик муҳити ва аҳоли эҳтиёжларининг қондирилиши каби йўналишлар бўйича алоҳида гуруҳлаб, табақалашув тамойилига риоя қилган ҳолда аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, Сурхондарё вилояти юқори табиий рақобат афзалликларига эга бўлса-да, амалдаги баҳолаш услубиёти бу афзалликларни тўлиқ акс эттирмагани сабабли вилоят рейтингда охириги ўринда турибди. Транспорт-географик жойлашув, агроиклим ва минерал хом ашё афзалликларини ҳисобга олган ҳолда рақобатбардошлик индексини қайта ҳисоблаш вилоятнинг реал салоҳиятини объективроқ ифодалаш имконини беради.

Вилоят ва унинг қишлоқ туманлари рақобат афзалликларидан самарали фойдаланиш, ихтисослашувни чуқурлаштириш ва экспорт таркибини такомиллаштириш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини сезиларли ошириш салоҳиятига эга.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 майдаги 245-сон Қарори.
3. Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари. — Термиз, 2024.
4. Якубов И.А., Расулов И.Р. Минтақалар рақобатбардошлигини “Паттерн” усулида баҳолаш // Иқтисодиёт ва таълим. — 2021. — №3.
5. Гафуров Б.Б. Сурхондарё вилояти табиий-иқтисодий салоҳияти. — Тошкент, 2020.
6. Хатамов Н.О. Минтақа экспорт салоҳияти ва уни ошириш йўллари // Минтақавий иқтисодиёт. — 2022. — №2.